

## ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 март куни мамлакатимизда қатор соҳаларда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Замонавий ахборот технологиялари тараққийнинг муҳим шартларидан бири. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада одамларга катта қулайликлар яратди, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, орқича харажатларни камайтиради, коррупциянинг олдини олади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили буйича қабул қилинган Давлат дастурида жорий йилда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Жаҳондаги тенденцияларга эътибор қаратсак, дунё ялли маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнги 15 йилда рақамли иқтисодиёт глобал ялли маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.

Мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ҳажминини икки баробарга ошириш

мақсад қилинган. Бунга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмларидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда дунёда "рақамли шаҳар" концепцияси оммалашмоқда. Шу тажрибадан келиб чиқиб, "рақамли Тошкент" тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа ҳудудларга эса тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Тақдирот давомида рақамли технологияларни жорий қилиш буйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

"Тиббиёт муассасалари паспорти", "UzTrans", туристлар ҳисобини юритиш буйича "E-Mehmon" ва бошқа ахборот тизимлари юртимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига катта қулайлик яратди.

Президентимиз жорий йилда болалар боччаси, масофавий таълим, шаҳар жамоат транспорти учун ягона электрон чипта, қурилишни назорат қилиш, электрон тиббиёт картаси каби янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш буйича топшириқлар берди. Масалан,

электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қоғоз тўлдиршига кетадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият бўлади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, 11 та кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда 62 та поликлиника "Ягона электрон тиббий карта" ва "Электрон поликлиника" ахборот тизимига уланиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам татбиқ этилади.

Дастурий маҳсулотлар узлуксиз ва самарали ишлаши учун инфратузилма зарурлиги қайд этилар экан, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида рақамли кўникмаларни такомиллаштириш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

2019 йил якунларига қўра, **РОССИЯ БИЛАН ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ** ўтган йилгига нисбатан **17** фоизга ортиб, **6,6** миллиард долларни ташкил этди.

ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН икки томонлама савдо ҳажми эса **55,7** фоизга ошди.

Ўтган йили Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида **484** та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони умумий ҳисобда **1** минг **828** тага етди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ОЗАРБАЙЖОН КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН **178** та корхона фаолият юритмоқда.

Россиялик шериклар билан **3,5** мингта иш ўрни яратиш имконини берадиган қиймати **7,3** миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Озарбайжонлик ҳамкорлар билан sanoat кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати **355** миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқариладигани таъкидланди. Жумладан, энгил автомобиль ва автобуслар йиғишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда.

Озарбайжон билан аграр sanoat, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида қўшимча янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Жорий ойда Озарбайжон ва Россия билан қатор икки томонлама тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, **16-17** март кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик буйича ҳукуматларо қўшма комиссия йиғилиши, **МАРТ ОЙИНИНГ УЧИНЧИ УН КУНИ**ГИДА ЭСА **РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ШУНДАЙ ТАДБИР** ўтказиш мулжалланган.



Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, sanoat, шу жумладан, агросаноат, транспорт ва логистика, таълим ва инновациялар Россия билан ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

### ШАРҲ

## ПАХТАЧИЛИКДА ТАРИХИЙ БУРИЛИШ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Иқтисодиётимиз ривожини, аҳолининг бандлигини ва даромадлари ўсишида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, бугунги кунда тармоқни стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш давр талабига айланди. Чунки унинг ҳозирги ўсиш суръатлари ва даромадлари етиштирувчини ҳам, қайта ишловчини ҳам мутлақо қониқтирмапти. Тажриба ва таҳлиллар бу борада қутиладиган мақсад-ўзгаришларга бозор механизмларини кенг жорий этиш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни таҳлил этиб, тармоқ олдида турган вазифалар моҳиятини шундай белгилаб берди: "Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига бошқичма-

бошқич ўтамыз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайдими, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайдими, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайдими".

▶ Давоми 3-бетда



## УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ТАЛАБ ЯНГИ ИПОТЕКА ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Шу йилнинг 9 мартдан республикамизнинг кўп қабатли аҳолига ипотека кредитларини тақдим қила бошлади. Бу ўзгариш банкларро соғлом рақобатни юзага келтиришни қўлтирмади. Чунки улар миқозларни жалб қилиш мақсадида ўз манфаатли таклифлари билан чиқмоқда. Бунинг натижасида эса аҳолида ўзи истаган банк хизматидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

▶ Давоми 2-бетда









